

МИЛЛИЙ ГВАРДИЯ ФАОЛИЯТИНИ БАҲОЛАШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ЁНДАШУВЛАРИ: МИЛЛИЙ ВА ИЛГОР ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАНИНГ ҚИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ

Усманов Алишер Толмасович

Жамоат хавфсизлиги университети мустақил изланувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20959636>

Аннотация. Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлашдаги фаолиятини баҳолашнинг илмий-назарий асослари таҳлил қилинган. Жумладан, Германиянинг математик-статистик моделлари, АҚШнинг эмпирик ва жамоатчилик назоратига асосланган ёндашувлари, Япониянинг ижтимоий-профилактик "Кобан" тизими ҳамда Туркия давлатининг кўп тармоқли фавқулодда бошқарув тизимлари каби илгор хорижий тажрибалар қиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан ўрганилган. Тадқиқот натижаларига кўра, анъанавий репрессив-статистик кўрсаткичлардан воз кечиб, ижтимоий-профилактик индикаторларга (KPI) ўтиш, маълумотларга асосланган стратегик режаслаштиришни жорий этиш ҳамда институционал изоморфизм хавфларини инобатга олган ҳолда миллий қонунчиликни такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ва ҳулосалар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: Миллий гвардия, фаолиятни баҳолаш, жамоат хавфсизлиги, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, хорижий тажриба, ижтимоий-профилактик индикаторлар, институционал изоморфизм, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил.

НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ПОДХОДЫ К ОЦЕНКЕ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ НАЦИОНАЛЬНОЙ ГВАРДИИ: СРАВНИТЕЛЬНО-ПРАВОВОЙ АНАЛИЗ НАЦИОНАЛЬНОГО И ПЕРЕДОВОГО ЗАРУБЕЖНОГО ОПЫТА

Аннотация. В данной статье анализируются научно-теоретические основы оценки деятельности Национальной гвардии Республики Узбекистан в сфере профилактики правонарушений и обеспечения общественной безопасности. В сравнительно-правовом аспекте изучен передовой зарубежный опыт, такой как математико-статистические модели Германии, эмпирические подходы и общественный контроль США, социально-профилактическая система «Кобан» Японии, а также многогранные системы управления в чрезвычайных ситуациях Турции. По результатам исследования разработаны научно обоснованные предложения по отказу от традиционных репрессивно-статистических показателей в пользу социально-профилактических индикаторов (KPI), внедрению стратегического планирования на основе данных и совершенствованию национального законодательства с учетом рисков институционального изоморфизма.

Ключевые слова: Национальная гвардия, оценка деятельности, общественная безопасность, профилактика правонарушений, зарубежный опыт, социально-профилактические индикаторы, институциональный изоморфизм, сравнительно-правовой анализ.

SCIENTIFIC-THEORETICAL APPROACHES TO EVALUATING THE ACTIVITIES OF THE NATIONAL GUARD: A COMPARATIVE LEGAL ANALYSIS OF NATIONAL AND ADVANCED FOREIGN EXPERIENCE

Abstract. This article analyzes the scientific and theoretical foundations for evaluating the activities of the National Guard of the Republic of Uzbekistan in the field of crime prevention

and public security. A comparative legal study of advanced foreign experiences is conducted, including mathematical-statistical models of Germany, empirical and community oversight approaches of the USA, the social-preventive "Koban" system of Japan, and multi-dimensional emergency management systems of Turkey. Based on the study's results, scientifically grounded proposals have been developed to transition from traditional repressive-statistical indicators to social-preventive indicators (KPIs), introduce data-driven strategic planning, and improve national legislation while taking into account the risks of institutional isomorphism.

Keywords: National Guard, performance evaluation, public security, crime prevention, foreign experience, social-preventive indicators, institutional isomorphism, comparative legal analysis.

Бугунги кунда миллий қонунчиликни такомиллаштириш ва мавжуд ҳуқуқий бўшлиқларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан қабул қилинган миллий қонунчиликдаги мавжуд ҳуқуқий бўшлиқларни аниқлаш мақсадида жамоат хавфсизлиги тизимининг таянч тузилмалари, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси фаолиятини илмий-назарий жиҳатдан чуқур таҳлил қилиш талаб этилмоқда. Бугунги кун воқелиги тизимли муаммоларга тезкорлик билан муносабат билдиришни талаб қилади, уларнинг ечимлари йўқлиги мамлакатда олиб борилаётган ислохотларда акс этмоқда.

Бироқ, бу борада қўлланилаётган норма ижодкорлиги ёндашуви қонун ҳужжатларининг мамлакат иқтисодиёти тармоқларига таъсирини баҳолаш заруриятини ҳисобга олмаяпти ҳамда жамоатчилик фикрини инобатга олган ҳолда фуқароларнинг ҳаёти ва фаровонлигини яхшилашга доир вазифаларга эришишни таъминламаяпти.

Шу каби муаммоларни илмий мазмунда ўрганиш доирасида олиб борилаётган мазкур диссертацион тадқиқот жамоат хавфсизлигини таъминловчи субъектларнинг, энг аввало, Миллий гвардиянинг фаолияти самарадорлигини баҳолаш механизмларини илмий асослашга қаратилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 18 ноябрдаги ЎРҚ-647-сон “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида”ги Қонунининг қабул қилиниши мазкур тузилманинг ҳуқуқий мақоми, давлат бошқаруви тизимидаги ўрни ҳамда вазифа ва функцияларини катъий белгилаб берди¹. Қонуннинг 4-бобида Миллий гвардиянинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари доираси белгилаб қўйилган бўлиб, унда қўмондонлик ваколатлари, жумладан, Миллий гвардия қўмондонига ҳарбий хизматчиларига ва ходимларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда “полковник” ҳарбий ва махсус унвонларигача бўлган унвонларни бериш ҳуқуқи қафолатланган. Шу билан бирга, қонунчилик асосида ходимларга нисбатан меҳнат тўғрисидаги қонунчиликнинг амал қилиши ҳамда Ички ишлар вазирлигининг даволаш-профилактика муассасаларида тиббий-санитария, тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва санаторий-курорт таъминоти тартиби тегишли равишда мустаҳкамланган². Бироқ, қонунчиликда белгиланган кенг кўламли вазифаларнинг амалда қандай бажарилаётганлигини, ҳуқуқбузарликлар профилактикасидаги реал самарадорлигини ўлчаш учун комплекс ва илмий асосланган баҳолаш тизими, яъни фаолият индикаторлари тўлақонли

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 18 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида”ги ЎРҚ-647-сон Қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.11.2020 й., 03/20/647/1531-сон.

² Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида”ги Қонуни 12, 14, 15, 31 ва 33-моддалари. 2020 йил 18 ноябрь, ЎРҚ-647-сон // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.11.2020 й., 03/20/647/1531-сон.

шаклланмаган. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ-27-сон “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида асосан, жамоат тартибини сақлашнинг янги босқичи бошланди. Мазкур фармонга кўра, оммавий тадбирларни ўтказишда, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳридаги истироҳат боғлари, хиёбонлар ва бозорларда жамоат тартибини сақлаш бевосита Миллий гвардия бўлинмалари томонидан амалга оширилиши қатъий белгиланди³. Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжат орқали Стратегия ва уни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” доирасида чора-тадбирларнинг доимий мониторингини олиб бориш, давлат органларига сифатли ва ўз вақтида ижро этиш юзасидан таклифлар киритиш ҳамда ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамасига умумлаштирилган ҳисоботларни тақдим этиш тизими ўрнатилди⁴. Аммо, жамоат хавфсизлигини таъминлаш доирасидаги фаолиятни мониторинг қилиш ва ҳисоботларни шакллантириш жараёни қандай илмий мезонларга, статистик алгоритмларга ва баҳолаш индикаторларига таяниши лозимлиги очиқлигича қолмоқда. Шу сабабли, миллий гвардия хизматчиларининг фаолиятини баҳолашнинг объектив, рақамлашган ва илғор хорижий тажрибага асосланган илмий-назарий моделларини яратиш кун тартибидаги энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Жамоат хавфсизлигини таъминловчи органлар, жумладан ички ишлар органлари ва миллий гвардия тузилмалари фаолиятини баҳолаш фақатгина ҳуқуқий ёки маъмурий назорат эмас, балки мураккаб ижтимоий-сиёсий ва криминологик бошқарув жараёни ҳисобланади. Хорижий криминология, социология ва полицияшунослик (*policing studies*) фанларида фаолиятни баҳолашнинг анъанавий, яъни репрессив ва жазоловчи моделларидан жамоатчиликка йўналтирилган (*community policing*) ва профилактик моделларига ўтиш концепцияси кенг муҳокама қилинади.

Америкалик тадқиқотчилар ва криминологлар С. Oettmeier ва М. Wycoff томонидан олиб борилган изланишлар шуни кўрсатадики, жамоатчилик билан ҳамкорлик шароитида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини баҳолаш тизимининг мазмунан қайта кўриб чиқилиши ўта муҳимдир. Уларнинг илмий ёндашувига кўра, фаолиятни баҳолаш тизими (*performance evaluation system*) фақатгина ходимнинг кундалик хулқ-атворини назорат қилиш воситаси бўлиб қолмасдан, балки ташкилий кутилмаларни ва мақсадларни жамоага тушунтириш, муаммоларни ҳал қилиш йўллари очиқ бериш ва янги, кенгайтирилган полиция ёки гвардия ролига мос келувчи ижобий хатти-ҳаракатларни рағбатлантириш механизми бўлиб хизмат қилиши керак. Ушбу олимлар маъмуриятчилар ва раҳбарлар учун баҳолаш тизимини босқичма-босқич ишлаб чиқиш жараёнини таклиф этиб, унда демаркациялашган қарорлар қабул қилиш ва ходимларнинг мустақиллигини ошириш муҳимлигини таъкидлаганлар⁵.

Бундан ташқари, D. Lilley ва S. Hinduja сингари етакчи тадқиқотчиларнинг илмий адабиётларида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини баҳолашда “Салбий

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон Фармони, 1-банд // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.12.2021 й., 06/21/27/1116-сон.

⁴ Ўша Фармоннинг 3-банди // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.12.2021 й., 06/21/27/1116-сон.

⁵ Oettmeier T. N. Personnel Performance Evaluations in the Community Policing Context / T. N. Oettmeier, M. A. Wycoff. – Washington, DC : Community Policing Consortium, 1997. – 55 p. – URL: https://www.policeforum.org/assets/docs/Free_Online_Documents/Community_Policing/personnel%20performance%20evaluations%20in%20the%20community%20policing%20context.pdf

индикаторлар”дан (*negative indicators*) воз кечиб, “Ижобий компетенциялар”ни (*positive competencies*) баҳолаш назарияси илгари сурилади.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, анъанавий баҳолаш тизимлари кўпинча фуқаролар шикоятларининг йўқлиги ёки йўл ҳаракати қоидабузарликлари бўйича тузилган жарима баённомалари сони каби кўрсаткичларга асосланган. Бироқ, бундай кўрсаткичлар муаммоларни ҳал қилиш ёки маҳаллий аҳоли билан профилактик ҳамкорликни ўлчай олмайди, аксинча, ходимларнинг ўз ташаббуси билан амалга ошириладиган ижобий ҳаракатларини пасайтириш каби қутилмаган салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Ҳақиқий самарадорликни баҳолаш учун этика, муаммоларни мустақил ҳал этиш қобилияти (*problem solving*), етакчилик, шунингдек, шахслараро, техник ва коммуникатив кўникмаларни инобатга олувчи индикаторлар зарурлиги илмий исботланган. Филадельфия полицияси комиссари *Charles Ramsey* таъкидлаганидек, жамоатчиликка йўналтирилган фаолият бу раҳбарларнинг тушунчаси эмас, балки қуйи бўғин ходимларининг ўз вазифаларини қай даражада ва қандай услубда бажараётганлиги билан ўлчанади⁶.

Фаолиятни баҳолашнинг яна бир муҳим йўналиши бу ҳарбийлашган тузилмаларнинг (*масалан, Миллий гвардиянинг*) жамоат жойларидаги ролини криминологик жиҳатдан баҳолашдир. Пенсильвания университети криминология профессори *Jerry Ratcliffe* ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг, жумладан полициянинг бевосита ваколатига эга бўлмаган тузилмаларнинг криминоген “*иссиқ нуқталарда*” (*hot spots*) бўлишининг ўзиёқ жиноятчиликни олдини олишда визуал тўсик ва профилактик аҳамият (*deterrence value*) касб этишини илмий асослайди⁷. Буюк Британиядаги полициянинг жамоатчиликни қўллаб-қувватлаш хизматчилари (*Police Community Support Officers*) мисолида ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, тўлақонли полиция ваколатига эга бўлмаган, аммо махсус формали давлат вакилларининг жамоат жойларида ҳозир бўлиши тартиббузарликлар ва безорилик ҳолатларини сезиларли даражада камайтирган⁸. Шу билан бирга, Жанубий Каролина университети криминологларидан *Brandon Tregle* фаолиятни баҳолаш ва кучларни тақсимлашда эмпирик маълумотларга асосланган (*data-driven strategy*) стратегияларни қўллашнинг ўта муҳимлигини, бусиз қўрилаётган чоралар самарасиз бўлиши мумкинлигини уқтиради⁹.

Harvard Kennedy School профессори *Sandra Susan Smith* эса ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини сиёсийлаштириш ва баҳолаш мезонларининг нотўғри танланиши оқибатларини таҳлил қилади. Унинг тадқиқотларида “*жиноятчилик бўйича ғавқулодда ҳолат мифлари*” (*myths of the crime emergency*) ва “*жиноятга нисбатан қаттиққўл бўлиш*” (*tough on crime*) ёндашувининг ортида яширинган иқтисодий ва сиёсий

⁶ David Lilley and Sameer Hinduja, “Organizational Values and Police Officer Evaluation: A Content Comparison between Traditional and Community Policing Agencies,” *Police Quarterly* 9, no. 4 (December 2006), 486–513, <http://pqx.sagepub.com/content/9/4/486.full.pdf>;

⁷ Ratcliffe J., Tregle B. Evaluating the deterrence value of uniformed government presence in urban hot spots // *Journal of Quantitative Criminology*. – 2021. – Vol. 25, № 4. – B. 112-125.

⁸ National Guard presence may deter crime, but experts warn of the long-term costs // *KERA News*. – 2025. – 2 oktabr. – URL: <https://www.keranews.org/2025-10-02/national-guard-presence-may-deter-crime-but-experts-warn-of-the-long-term-costs>

⁹ Brandon Tregle National Guard presence may deter crime, but experts warn of the long-term costs // *KERA News*. – 2025. – 2 oktabr. – URL: <https://www.keranews.org/2025-10-02/national-guard-presence-may-deter-crime-but-experts-warn-of-the-long-term-costs>

манфаатлар фoш этилади¹⁰.

Олимнинг фикрича, бундай нотўғри баҳолаш ва ёндашувлар аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари орасида хавфсизликнинг янада ёмонлашишига ва давлат органларига нисбатан ишончнинг йўқолишига олиб келади.

Илмий манбаларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар фаолиятини баҳолаш моделларини бир давлатдан иккинчи давлатга кўчириш масаласи бўйича “Институционал изоморфизм” (*Institutional isomorphism*) назарияси кенг қўлланилади¹¹.

Бу назарияга кўра, ривожланаётган давлатлар илғор давлатларнинг муваффақиятли моделларини (масалан, Япониянинг “Кобан” тизимини ёки *Farbning community policing концепциясини*) глобал тренд сифатида қабул қиладилар. Таниқли тадқиқотчи David Bayley 1970 йиллардаёқ полиция усуллари ва жиноятчиликнинг пасайиши ўртасидаги боғлиқликни ўрганиб, “назорат” (*control*) парадигмасидан “розилик” (*consent*) парадигмасига ўтишни таклиф қилган ва бунда Япония моделини намуна сифатида кўрсатган¹². Олимнинг фикрича, бундай ёндашув ҳуқуқбузарда “шарм-ҳаё” (*shame*) ҳиссини уйғотишга ва полиция томонидан оталарча ғамхўрлик (*paternalistic care*) кўрсатилишига асосланади. Бироқ, M. Brogden (2005) каби танқидчи олимларнинг таъкидлашича, Америка ёки Япония ҳуқуқий маданиятини ривожланаётган давлатларга (масалан, Россия, Венгрия, Польша ёки Фиджига) тўғридан-тўғри кўчириш мумкинлиги ҳақидаги ишонч ўта соддаликдир (*naïve belief*)¹³. Моделларни имплементация қилиш маҳаллий омилар, жумладан тарих, маданият, бюрократик тўсиқлар, ресурсларнинг чекланганлиги ва жамоатчиликнинг иштироки даражаси билан бевосита боғлиқдир¹⁴. Шу сабабли, хорижий тажрибани миллий қонунчиликка тўғридан-тўғри кўчириш эмас, балки қиёсий-ҳуқуқий ва эмпирик таҳлил орқали унинг ишлаш механизмларини мослаштириш талаб этилади.

Шу ўринда, илғор хорижий давлатлар тажрибасининг қиёсий-ҳуқуқий ва криминологик таҳлиliga назар ташласак. Хусусан, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва Миллий гвардия ёки унга тенглаштирилган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар фаолиятини баҳолашда ҳар бир ривожланган давлат ўзининг ҳуқуқий тизими, макроиктисодий тузилиши ва тарихий ривожланиш йўлига мос равишда ўзига хос механизмларни яратган. Германиянинг математик-статистик моделлари, АҚШнинг эмпирик ва жамоатчилик назоратига асосланган ёндашувлари, Япониянинг ижтимоий-профилактик ва географик базова моделлари ҳамда Туркиянинг кўп тармоқли фавкулудда бошқарув тизимларини чуқур таҳлил қилиш Ўзбекистон миллий қонунчилигидаги бўшлиқларни тўлдириш учун муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

¹⁰ Harvard professor: Donald Trump's National Guard deployment won't reduce crime. These policies will. // Harvard Kennedy School (YouTube kanali). – 2025. – 3 noyabr. – URL: <https://www.youtube.com/watch?v=B0O4CJxA9hQ>

¹¹ Institutional isomorphism and community politicisation: A theoretical and empirical comparison between Indonesia and Japan - UNY Journal // <https://journal.uny.ac.id/index.php-civics/article/download/91943/25233/274217>

¹² David Bayley D1.1 Report on best Practices in Community Policing and Gap Analysis // European Commission. Page 11 of 144 – URL: <https://ec.europa.eu/research/participants/-documents/downloadPublic?ocumetlds=080166e5a4fa8283&appId=PPGMS>
Brogden, M. (2005), ‘Horses for Courses’ and “Thin Blue Lines”: Community Policing in Transitional Society’ Police Quarterly 8 (1), 64-98.

¹⁴ Institutional isomorphism and community politicisation: A theoretical and empirical comparison between Indonesia and Japan - UNY Journal - | Universitas Negeri Yogyakarta <https://journal.uny.ac.id/index.php/civics/article/download/91943/25233/274217>

Жумладан, Германия тажрибасига кўра, статистик детерминация, пропорционаллик ва криминал статистика (PKS) мезонлари қуйидагичадир. Яъни, Германияда жамоат хавфсизлигини таъминлаш марказлашмаган асосда, асосан Федерал полиция (*Bundespolizei*) ва федерал ерларнинг (*Landespolizei*) полиция тузилмалари томонидан амалга оширилади. Германия моделининг энг асосий ўзига хос жиҳати – бу фаолиятни баҳолашнинг мутлақ объектив, математик ва статистик моделларга асосланганлигидир. Германия Федерал жиноят полицияси бошқармаси (*Bundeskriminalamt - BKA*) томонидан ҳар йили шакллантириладиган Полиция криминал статистикаси (*Polizeiliche Kriminalstatistik – PKS*) жамоат хавфсизлиги ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти самарадорлигини баҳоловчи фундаментал восита ҳисобланади¹⁵.

Шу ўринда, баҳолаш механизми ва PKS индикаторларига тўхталиб ўтсак. PKS йўриқномаси фаолиятни баҳолашда жуда қатъий алгоритмларни тақдим этади. Масалан, йўриқноманинг 4.4.4.-бандида *фирибгарлик, гиёҳвандлик* воситалари билан боғлиқ жиноятлар, ноқонуний миграция (*unerlaubte Einreise*) ва қалбакилаштириш жиноятларини ҳисобга олишнинг алоҳида қоидалари белгиланган¹⁶. Жабрланувчиларни ҳисобга олишда (*Opfererfassung*) жиноятлар шунчаки сон сифатида эмас, балки уларнинг жамиятга таъсири нуқтаи назаридан ўлчанади. Германияда фаолиятни баҳолашда полициянинг иши иккита асосий математик формула орқали ўлчанади:

1. *Хавфлилик коэффиценти (Häufigkeitszahl - HZ)*: Мазкур формула жамиятдаги жиноятчилик хавфини (*Gefährdung*) ифодалайди ва қуйидагича ҳисобланади:

$$ЖК = \frac{\text{Жиноятлар сони } 100,000}{\text{аҳоли сони}}$$

Бунда маълум бир ҳудудда содир этилган жиноятлар сони (*Straftaten*) 100,000 га кўпайтирилиб, ўша ҳудуддаги аҳоли сонига (*Einwohnerzahl*) бўлинади. Бу орқали полиция ёки хавфсизлик бўлинмаларининг иши мутлақ рақамлар билан эмас, балки аҳоли жон бошига нисбатан демографик хавфсизлик даражасини таъминлаш самарадорлиги билан ўлчанади¹⁷.

2. *Жабрланувчига айланиш хавфи коэффиценти (Opfergefährdungszahl - OGZ)*: Бу кўрсаткич маълум ёш ёки жинс гуруҳларининг жиноят қурбони бўлиш эҳтимолини аҳолининг ҳар 100,000 нафарига нисбатан ўлчайди. Йўриқномага кўра, агар бир шахс бир неча бор жиноят қурбони бўлса, унинг ҳар бир ҳолати (*Opferwerdung*) алоҳида қайд этилади, бу эса рецидив жиноятларга қарши кўрилган профилактик чораларнинг объектив баҳосини беради¹⁸. Германия криминал статистикасининг чуқурлигини 2023 йилги оилавий зўравонлик (*domestic violence*) статистикаси мисолида ҳам кўриш мумкин. ВКА ҳисоботида кўра, оилавий зўравонлик қурбонларининг қарийб тенг ярми (51.5% ёки

¹⁵ Criminal Justice in Germany. Facts and Figures. – BMJV // [https://www.bmjv.de/-/SharedDocs/Downloads/DE/Fachpublikationen/Criminal Justice in Germany 8 Ed.pdf? blob=publicationFile&v=2](https://www.bmjv.de/-/SharedDocs/Downloads/DE/Fachpublikationen/Criminal%20Justice%20in%20Germany%208%20Ed.pdf?__blob=publicationFile&v=2)

¹⁶ Polizeiliche Kriminalstatistik – BKA [https://www.bka.de/SharedDocs/Downloads/DE/-/Publikationen/PolizeilicheKriminalstatistik/2025/Interpretation/02_Rili/Richtlinien.pdf? blob=publicationFile&v=2](https://www.bka.de/SharedDocs/Downloads/DE/-/Publikationen/PolizeilicheKriminalstatistik/2025/Interpretation/02_Rili/Richtlinien.pdf?__blob=publicationFile&v=2)

¹⁷ Polizeiliche Kriminalstatistik – BKA [https://www.bka.de/SharedDocs/Downloads/DE/-/Publikationen/PolizeilicheKriminalstatistik/2025/Interpretation/02_Rili/Richtlinien.pdf? blob=publicationFile&v=2](https://www.bka.de/SharedDocs/Downloads/DE/-/Publikationen/PolizeilicheKriminalstatistik/2025/Interpretation/02_Rili/Richtlinien.pdf?__blob=publicationFile&v=2)

¹⁸ Polizeiliche Kriminalstatistik Richtlinien für die Führung der Polizeilichen Kriminalstatistik in der Fassung vom 01.01.202 // file:///C:/Users/User/AppData/Local/Temp/-MicrosoftEdgeDownloads/a79d71c4-44c1-489a-a394-4d33a320d70d/Richtlinien%20(1).pdf

256,276 қурбондан 131,922 нафари) гумон қилинувчи билан бир хонадонда яшаган¹⁹. Ушбу маълумотлар полициянинг профилактика самарадорлигини баҳолашда муҳим ўрин тутди. Шунингдек, Германияда фаолиятни баҳолашда ходимларнинг қонун доирасида ва фуқароларга нисбатан қандай хизмат кўрсатаётганлиги ҳам муҳим мезондир. Давлат вакили сифатида хизмат вазифаларини лозим даражада бажариш (*proper performance of duties vis-à-vis citizens*) Жиноят кодекси ва маъмурий тартиб-қоидалар орқали қатъий назорат қилинади²⁰. “Коррупцияга қарши давлатлар гуруҳи” (GRECO) томонидан Германиянинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари, жумладан Федерал полиция (*Bundespolizei*) ва Федерал жиноят полицияси (ВКА) фаолиятини баҳолаш, лавозимга кўтариш (*promotion*), ходимларни ротация қилиш ва хизматни тугатиш механизмларининг шаффофлиги мунтазам халқаро аудитдан ўтказиб келинади²¹.

Инновацион ёндашувларнинг баҳоланишида Германия полицияси томонидан жамоат жойларида юзни таниш тизимларининг (*Facial Recognition Technology - FRT*) жорий этилиши диққатга сазовордир. Berlin Südkreuz темир йўл вокзалида *Karen Yeung* ва *Wenlong Li* томонидан ўтказилган синовлар натижалари бўйича Федерал полиция ҳулосаси шуни кўрсатдики, технологиянинг самарадорлигини баҳолаш фақат унинг техник имкониятлари билан эмас, балки маълумотлар базалари билан қонуний интеграциялашуви ва масъулият доираларининг аниқ белгиланиши билан баҳоланиши керак²².

Бундан ташқари, Бундестаг депутатларидан бири Uli Grötsch 2024 йилда таъкидлаганидек, полиция ва гвардия фаолиятини баҳолашда жамиятдаги реал ўзгаришларни, хусусан, хизмат вазифасини бажараётган ходимларга нисбатан зўравонлик ва ҳурматсизлик ҳолатларининг ортишини ҳам инобатга олиш лозим. Бу эса ўз навбатида давлат томонидан ходимларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш ва ўз-ўзини ҳимоя қилиш воситаларини (*Eigenschutz*) узлуксиз ривожлантириб боришни тақозо этади²³. Демак, фаолият фақатгина аҳоли хавфсизлиги нуктаи назаридан эмас, балки ходим хавфсизлиги ва институционал ҳимоя жиҳатидан ҳам баҳоланади. Германияда жиноятчиликка қарши кураш умумжамиyat вазифаси (*Gesamtgesellschaftliche Aufgabe*) сифатида кўрилади ва профилактик ёндашувларда “*шубҳа тугилганда эркинлик фойдасига*” (*in dubio pro libertate*) тамойилига амал қилиш талаб этилади²⁴.

Америка Қўшма Штатларида Миллий гвардия (*National Guard*) ва маҳаллий полиция департаментлари фаолиятини баҳолаш тизими ниҳоятда прагматик ёндашув ва

¹⁹ *Data and statistics in Germany* - Online training materials on violence // <https://training-improдова.eu/en/data-and-statistics/data-and-statistics-in-germany/>

²⁰ *Third Periodical Report on Crime and Crime Control in Germany* - Bundesamt für Justiz https://www.bundesjustizamt.de/SharedDocs/Downloads/DE/BfJ/Third_Periodical_Report_on_Crime_and_Crime_Control_in_Germany_V1.0%20_03.2023.pdf?__blob=publicationFile&v=1

²¹ GERMANY – BMJV https://www.bmjbv.de/SharedDocs/Downloads/DE/Themen/Nav_-_Themen/GRECO_5_Runde_Evaluationreport_englisch.pdf?__blob=publicationFile&v=3

²² *Karen Yeung* and *Wenlong Li* From 'wild west' to 'responsible' AI testing 'in-the-wild': lessons from live facial recognition testing by law enforcement authorities in Europe | Data & Policy | Cambridge Core // <https://www.cambridge.org/core/journals/data-and-policy/article/-from-wild-west-to-responsible-ai-testing-in-the-wild-lessons-from-live-facial-recognition-testing-by-law-enforcement-authorities-in-europe/3C1F920D9588C8872C195CE403AE3BDF>

²³ *Stellungnahme Uli Grötsch*, Polizeibeauftragter des Bundes - Neustrukturierung des Bundespolizeigesetzes - Deutscher Bundestag // <https://www.bundestag.de/resource/blob/-999332/20-4-417-E.pdf>

²⁴ Kriminalitätsbekämpfung als gesamtgesellschaftliche Aufgabe // https://www.bka.de/SharedDocs/Downloads/DE/Publikationen/Publikationsreihen/CodLiteraturreihe/8_06_Kriminalitaetsbekaempfung_AlsGesamtgesellschaftlicheAufgabe.pdf?__blob=publicationFile&v=3

жамоатчилик назорати (*community oversight*) асосига қурилган. АҚШ Миллий гвардияси асосан штат губернаторларига бўйсунадиган ҳарбийлашган тузилма бўлса-да, фавқулодда вазиятларда ёки жамоат тартибини сақлаш бўйича йирик тадбирларда федерал ҳукумат (*масалан, Президент*) томонидан ҳам кенг кўламда жалб қилиниши мумкин²⁵.

Сўнгги йилларда АҚШда Миллий гвардиянинг йирик шаҳарлардаги (*Вашингтон, Мемфис, Портленд, Лос-Анжелес*) жамоат хавфсизлигини таъминлашдаги иштироки бўйича кенг қамровли криминологик тадқиқотлар ўтказилди²⁶. Президент *D.Trump* маъмурияти томонидан жиноятчиликни камайтириш ва шаҳарларни ободонлаштириш мақсадида тузилган “*Хавфсиз ва гўзал тезкор гуруҳи*” (*Safe and Beautiful Task Force*) доирасида минглаб гвардиячилар кўчаларга патрулликка чиқарилди²⁷. “*Niskanen Center*” мустақил ноҳукумат таҳлил маркази томонидан ўтказилган криминологик баҳолаш натижалари Миллий гвардиянинг кўчаларда патруллик қилиши (*high visibility patrols*) соҳасида қутилмаган статистик хулосаларни тақдим этди. Тадқиқотчиларнинг аниқлашича, гвардиячиларнинг мавжудлиги фақатгина оппортунистик (*қулай фурсат тугилганда содир этиладиган*) жиноятлар, хусусан, мулкка қарши жиноятлар ва автомобилларни бузиб кириш ҳолатларининг 24 фоизга камайтиришига олиб келган. Бирок, энг эътиборли жиҳати шундаки, гвардиячиларнинг жалб этилиши оғир зўравонлик жиноятларига (*қотиллик, талончилик*) деярли ҳеч қандай ижобий таъсир кўрсатмаган²⁸.

АҚШ Сенатининг расмий ҳисоботларида қайд этилишича, жамоат хавфсизлигини таъминлашда қуролли тузилмалардан фойдаланишнинг асосий бошқарув камчилиги – бу аниқ белгиланган мақсадлар ва баҳолаш метрикаларининг (*metrics*) йўқлигидир. Ҳисоботда таъкидланишича, юз миллионлаб доллар бюджет маблағлари сарфланишига қарамай, аниқ кўрсаткичларсиз амалга оширилган ҳаракатлар жиноятчиликка бевосита таъсир қилмаган (*no directly attributable impact on crime*) ва ресурсларнинг нотўғри йўналтирилишига сабаб бўлган деб баҳоланади²⁹. Шунинг учун, АҚШ криминологлари фаолиятни баҳолашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни шунчаки кўчага жойлаштириш эмас, балки уч ўн йиллик тадқиқотлар тасдиқлаганидек, эмпирик маълумотларга таянувчи (*data-driven strategy*) тизимларни ва “*иссиқ нуқталар*” (*hot spot*) стратегиясини қўллашни талаб қилишади³⁰.

Жамоатчилик фикрини ўрганиш соҳасидаги етакчи марказлардан бири Ipsos томонидан ўтказилган сўровномалар ҳам баҳолашда фуқароларнинг субъектив қарашлари қанчалик муҳимлигини кўрсатади. Тадқиқотларга кўра, гарчи америкаликларнинг аксарияти шаҳарлардаги жиноятчилик даражасини қабул қилиб бўлмас даражада юқори (*unacceptably high*) деб ҳисобласа-да, Миллий гвардиянинг шаҳарларда

²⁵ National Guard has done little to reduce violent crime in D.C., a new study finds – WCMU // <https://www.wcmu.org/national-world-news/2026-06-04/national-guard-has-done-little-to-reduce-violent-crime-in-d-c-a-new-study-finds>

²⁶ National Guard presence may deter crime, but experts warn of the long-term costs | KGOU // <https://www.kgou.org/2025-10-02/national-guard-presence-may-deter-crime-but-experts-warn-of-the-long-term-costs>

²⁷ Trump is deploying the National Guard to Memphis. Experts worry it's becoming normal // <https://www.npr.org>

²⁸ Kat Lonsdorf National Guard has done little to reduce violent crime in D.C., a new study finds – WCMU // <https://www.wcmu.org>

²⁹ At What Cost? Trump's Indefinite Deployment of the National Guard in DC on Track to - Senate Committee on Homeland Security and Governmental Affairs, <https://www.hsgac.senate.gov/wp-content/uploads/NationalGuardReport.pdf>

³⁰ Kat Lonsdorf National Guard has done little to reduce violent crime in D.C., a new study finds – WCMU // <https://www.wcmu.org>

жойлаштирилишини кўллаб-қувватлаш даражаси нисбатан пастлигича қолмоқда³¹.

Бу шуни англатадики, жамоат хавфсизлиги органларининг фаолиятини баҳолашда давлат вазибаларининг бажарилиши билан бирга, фуқароларнинг милитаризациядан (*militarization of U.S. cities*) қанчалик норози эканлиги ҳам муҳим индикатор сифатида қаралади³².

АҚШда маҳаллий даражадаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини баҳолаш методологияси тарихан катта эволюцияни босиб ўтган. 1972 йилда Даллас полиция департаментининг ҳисоботида ходимларни ярим йиллик баҳолаш жараёни “*мустасносиз бефойда ва маъносиз машқ*” (*largely meaningless bi-annual exercise*) деб танқид қилинган эди. Шундан сўнг, Хьюстон полиция департаменти мисолида АҚШ Адлия вазирлиги ҳузуридаги Миллий Адлия Институтини (*National Institute of Justice*) томонидан молиялаштирилган лойиҳа доирасида ходимларни баҳолашнинг мутлақо янги тизими синовдан ўтказилди³³.

“Маҳаллага йўналтирилган полиция фаолияти” (*Neighborhood Oriented Policing - NOP*) номли бу концепция анъанавий салбий кўрсаткичларни буткул бекор қилди. Унинг ўрнига ходимларнинг муаммоларни ҳал қилиш қobiliяти, маҳаллий аҳоли билан ҳамкорликни йўлга қўйиши, етакчилик ва коммуникация кўникмаларини ўлчашга қаратилган махсус КРІ индикаторлари жорий этилди³⁴. Бундай баҳолаш тизими полиция ташкилотининг бошқарув фалсафасини қонунийлаштиришга (*legitimized the organization's management philosophy*) ва сержантлар ҳамда патруль ходимлари ўртасидаги муносабатларни қайта кўриб чиқишга бевосита хизмат қилди³⁵.

Япониянинг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизими эса бутун дунё полицияшунослигида энг муваффақиятли ва ноёб моделлардан бири сифатида кенг эътироф этилади. Бу муваффақиятнинг негизиди 1874 йилдан бери шаклланиб, такомиллашиб келаётган “Кобан” (*Koban – микро минтақавий полиция қутиси ёки маҳаллий полиция пости*) тизими ётади³⁶. Япония тажрибасини миллий қонунчилигимизга қиёсий таҳлил қилиш Миллий гвардиянинг маҳаллабай ва фуқаробай ишлаш тизимини баҳолаш механизмларини илмий жиҳатдан бойитишга хизмат қилади.

Шунингдек, Японияда жамоат хавфсизлиги ходимларининг фаолият самарадорлиги уларнинг жинойтларни фош этишидан кўра, ҳудуд географиясини қай

³¹ Young C. Where Americans stand on crime in cities // Ipsos. – 2025. – URL: <https://www.ipsos.com/en-us/where-americans-stand-crime-cities>

³² At What Cost? Trump's Indefinite Deployment of the National Guard in D.C. on Track to Cost Taxpayers \$600 Million a Year // U.S. Senate Committee on Homeland Security and Governmental Affairs. – 2026. – URL: <https://www.hsgac.senate.gov/wp-content/uploads/-/NationalGuardReport.pdf>

³³ Wycoff M. A., Oettmeier T. N. Evaluating Patrol Officer Performance Under Community Policing: The Houston Experiment // National Institute of Justice (NIJ). – 1994. – URL: <https://www.ojp.gov/sites/g/files/xyckuh241/files/media/document/151400ncjrs.pdf>

³⁴ Branly S., Luna A., Mostyn S., Schnitzer S., Wycoff M. A. Implementing a Comprehensive Performance Management Approach in Community Policing Organizations: An Executive Guidebook // Office of Community Oriented Policing Services. – Washington, DC, 2015. – URL: <https://www.policeforum.org/assets/PerformanceManagementCommunityPolicing.pdf>

³⁵ Wycoff M. A., Oettmeier T. N. Evaluating Patrol Officer Performance Under Community Policing: The Houston Experiment // National Institute of Justice (NIJ). – 1994. – URL: <https://www.ojp.gov/sites/g/files/xyckuh241/files/media/document/151400ncjrs.pdf>

³⁶ Introductory Handbook on Policing Urban Space // United Nations Office on Drugs and Crime (UNODC). – Vienna, 2011. – URL: https://www.unodc.org/pdf/criminal_justice/Introductory_Handbook_on_Policing_Urban_Space.pdf

даражада мукаммал билиши (*intimate geographic knowledge*) ва жамоатчилик билан ўрнатган алоқаларининг узоқ муддатли сифатига қараб баҳоланади. Япониянинг ўта мураккаб урбанистик географиясида хавфсизликни таъминлаш фақатгина маълум бир ҳудудда узоқ муддат барқарор хизмат қилувчи (*stable cohort of officers*) ходимлар орқали амалга оширилиши мумкин. Баҳолашнинг асосий инструменти сифатида Кобан ходимлари ҳар йили ўз ҳудудларидаги корхоналар ва аҳоли хонадонларига шахсан ташриф буюриб, ижтимоий сўровномалар (*annual surveys*) ўтказадилар. Ходимларнинг фаолият самарадорлиги мана шу сўровномаларнинг ижобий натижалари, аҳоли томонидан полицияга тақдим этилган ихтиёрий маълумотларнинг ҳажми ва ҳудуддаги ижтимоий муҳитнинг барқарорлик индекси билан ўлчанади³⁷.

БМТнинг жиноятчилик ва одил судлов бўйича тадқиқот ҳисоботларига кўра, Кобан марказлари фақатгина жиноятчиликка қарши курашувчи жазо органи эмас, балки маҳаллий маъмурий ва ижтимоий марказ сифатида фаолият юритади. Улар кўчада манзил излаётганларга ёрдам беради, ҳукуматдан ёрдам кутаётган фуқароларга маслаҳат беради, маҳаллий муаммолар бўйича фуқароларнинг шикоятларини (*sounding boards*) тинглайди ва энг муҳими, маиший низоларни судгача ҳал қилади. Шу сабабли, уларни баҳолаш тизимида “*Жамият даражасидаги муаммоларни воситачи (facilitators and mediators) сифатида ҳал қилиш*” индикатори фаолиятнинг энг юқори ютуғи сифатида баҳоланади³⁸.

Япония Миллий полиция агентлиги (*National Police Agency - NPA*) томонидан ҳар йили чоп этиладиган “*Полиция бўйича Оқ китоб*”да (*White Paper on Police*) ички фаолиятни баҳолаш тизимини (*review of performance evaluation*) қайта кўриб чиқиш бўйича очиқ маълумотлар берилади³⁹. Ташкилий менежментни яхшилаш, уюшган жиноятчиликка (*Boryokudan*) ва юқори технологияли кибержиноятларга қарши курашиш мақсадида илмий баҳолаш мезонлари узлуксиз янгилаб борилади. Шунингдек, ташкилот ичидаги коррупцияни бартараф этиш ва ходимларнинг ахлокий жиҳатларини яхшилаш доирасида “*рағбатлантирилган истеъфо*” (*encouraged resignation - ходимларнинг қонунбузарликдан сўнг нафақа пулларини олиб қочиш кетишининг олдини олиш мақсадида*) каби эски тизимлар бекор қилиниб, қатъий идоравий инспекция механизмлари жорий этилган⁴⁰.

Криминологик ва социологик ўлчов методологияларининг эмпирик тасдиғи сифатида халқаро тадқиқотчилар томонидан Япония, Канада ва Ҳиндистон полицияси фаолияти устида ўтказилган қиёсий тадқиқотларни келтириш мумкин. Масалан, *D. Lilley* ва *S. Hinduja* тадқиқотларида⁴¹ ёки Канада ва Япония полиция маданиятини ўлчашга

³⁷ David H. Bayley, *Forces of Order: Policing Modern Japan*, 2nd ed. (Berkeley, California, University of California Press, 1991) // <https://www.unodc.org/pdf>

³⁸ Institutional isomorphism and community politicisation: A theoretical and empirical comparison between Indonesia and Japan - UNY Journal, page 28 | Universitas Negeri Yogyakarta <https://journal.uny.ac.id/index.php/civics/article/download/91943/25233/274217>

³⁹ White Paper on Police 2009 // National Police Agency of Japan. - Tokyo, 2009. - URL: https://www.npa.go.jp/english/kokusai9/White_Paper_2009.pdf

⁴⁰ Oyamada E. Combating police corruption in Japan: new challenges ahead? // Asian Education and Development Studies. - 2020. - Vol. 9, Iss. 2. - P. 145-156. - DOI: <https://doi.org/10.1108/AEDS-05-2018-0102>

⁴¹ David Lilley and Sameer Hinduja, “Organizational Values and Police Officer Evaluation: A Content Comparison between Traditional and Community Policing Agencies,” *Police Quarterly* 9, no. 4 (December 2006), 486–513, <http://pqx.sagepub.com/content/9/4/486.full.pdf>; David Lilley and Sameer Hinduja, “Officer Evaluation in the Community Policing Context,” *Policing: An International Journal of Police Strategies & Management* 29, no. 1 (December 2006), 19–37.

қаратилган тадқиқотларда стратификацияланган⁴² тасодифий танлов (*stratified random sampling*) орқали демографик ва касбий маълумотлар йиғилган⁴³. Япония мисолида Токио ва Нагоя атрофидаги ётоқ туманлар, Мито ва Гифу шаҳарлари ҳамда қишлоқ жойларидаги Кобан офисларидан жами 850 та сўровнома ўтказилиб, 630 та жавоб олинган ва 60 нафар ходим билан чуқурлаштирилган интервьюлар ташкил этилган. Бундай илмий ёндашув давлат бошқарувида ходимларни баҳолаш фақат ички буйруқлар билан эмас, балки кенг қўламли социологик аудит орқали амалга оширилишини кўрсатади.

Бундан ташқари, Япониянинг Кобан модели муваффақиятли равишда кўплаб хорижий давлатлар томонидан трансфер қилинган. Хусусан, Сингапур 1982 йилда *Toa Payoh* полиция участкасида Кобан тизимини экспериментал равишда синовдан ўтказди ва натижада жиноятчиликнинг қарийб 50 фоизга камайишига эришилди. Бундай юқори самарадорликдан сўнг 1984 йилда Сингапурда Кобан тизими тўлиқ жорий қилинди⁴⁴. Худди шундай, Бразилиянинг Сан-Паулу штати Ҳарбий полицияси (*Military Police*) Фавела Навал (*Favela Naval*) инқирозидан сўнг Канада моделидан воз кечиб, 1999 йилда Япония ҳукумати билан шартнома тузди ва Кобан тизимини ўзига имплементация қилди⁴⁵. Бироқ, Бразилия тажрибаси шуни кўрсатадики, хорижий моделни шунчаки жорий этиш етарли эмас. Сан-Паулу ҳарбий полицияси мазкур тизимни корпоратив хусусий сектордан олинган “*Сиғат менежменти*” (*Gestão pela Qualidade*) ва GESPOL (*Ҳарбий полицияни бошқариш тизими*) каби янги давлат бошқаруви (*new public management*) механизмлари билан бирлаштирди⁴⁶. Бунда ходимларнинг ишини баҳолаш стратегик режалаштириш ва стандарт операцион процедуралар (*SOPs*) асосида тизимли равишда рақамлаштирилди.

Бундан ташқари, Япония Халқаро Ҳамкорлик Агентлиги (JICA) томонидан хорижий давлатларнинг марказий ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари бошқарма бошлиқлари (*director of division*) ва юқори мартабали раҳбарлари учун “*Лойиҳаларни баҳолаш ва сиёсатни баҳолаш*” (*capacity of evaluation design and to build evaluation system*), шунингдек, Япония давлат хизматининг тарихи ва ходимларни баҳолаш тизими (*Personnel Evaluation System*) бўйича махсус халқаро тренинглари мунтазам ўтказиб келинади⁴⁷. Бу эса баҳолаш тизимларини яратиш ўта мураккаб илмий-амалий жараён эканлигини тасдиқлайди. Бироқ, ғарб олимлари, хусусан *Brogden M.* (1999) томонидан Япония модели танқидий баҳоланиб, Ғарб тадқиқотчиларининг полиция тизимини идеаллаштириши танқид остига олинади⁴⁸. Унинг таъкидлашича, Кобан тизими баъзан бошқа бўлимларда

⁴² Изоҳ: “қатламларга ажратилган”, “табақалаштирилган” ёки “гурӯҳларга (тоифаларга) бўлинган” деган маъноларни англатади.

⁴³ Ernest L. Nickels & Arvind Verma “Dimensions of police culture: a study in Canada, India, and Japan - Emerald Publishing <https://www.emerald.com/pijpsm/article/31/2/186/319446/Dime>”

⁴⁴ Cultural Norms and National Security: Police and Military in Postwar Japan 9781501731464 // <https://dokumen.pub/cultural-norms-and-national-security-police-and-military-in-postwar-japan-9781501731464.html>

⁴⁵ Katzenstein P. J. Cultural Norms and National Security: Police and Military in Postwar Japan: Cornell University Press, 1996. – URL: <https://dokumen.pub/cultural-norms-and-national-security-police-and-military-in-postwar-japan-9781501731464.html>

⁴⁶ González Y. M. Reforming to Avoid Reform: Strategic Policy Substitution and the Reform Gap in Policing // Perspectives on Politics. – Cambridge University Press, 2023. – Vol. 21, Iss. 1. – P. 59-77. – URL: <https://www.cambridge.org>

⁴⁷ What We Do: Knowledge Co-Creation Programs // Japan International Cooperation Agency (JICA). – Tokyo, 2024. – URL: https://www.jica.go.jp/english/activities/schemes/-tr_japan/summary/lineup2024/index.html

⁴⁸ Ellis T. Japanese Community Policing Under the Microscope // The Handbook of Knowledge-Based Policing: Current Conceptions and Future Directions. – URL: <https://www.researchgate.net/profile/Tom->

муваффақиятсизликка учраган (*failed in other sections*) ходимлар ёки кекса офицерлар билан тўлдирилиши мумкин, бу эса риторика ва амалиёт ўртасидаги тафовутни кўрсатади⁴⁹. Бу жиҳат Ўзбекистон учун институционал изоморфизм хавфларини олдиндан кўра билиш ва кадрларни тақсимлашда эҳтиёткорликни талаб қилади.

Бундан ташқари, Туркияда жамоат хавфсизлигини таъминлаш асосан Ички ишлар вазирлигига бўйсунувчи Туркия Миллий Полицияси (*шаҳарларда*) ва Жандармерия (*Jandarma - қишлоқ, чегара ва тоғли ҳудудларда*) томонидан марказлашган тартибда амалга оширилади⁵⁰.³⁵ Туркия Жандармериясининг ҳарбийлашган ҳуқуқий мақоми ва бажарадиган оператив вазифалари Ўзбекистон Миллий гвардиясига кўп жиҳатдан ўхшашдир.

Туркияда жамоат хавфсизлиги тузилмалари фаолиятини баҳолаш тизими фақатгина ички қонунчилик билан эмас, балки Европа Иттифоқининг стандартизация талаблари билан ҳам чамбарчас боғлиқ ҳолда ривожланмоқда. Хусусан, Европа Комиссиясининг 447/2014-сонли Қарори билан тасдиқланган IPA II (*Instrument for Pre-accession Assistance*) дастури доирасида Туркиянинг чегараларни бошқариш, жамоат тартибини сақлаш ва асосий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш соҳаларидаги фаолияти катъий “*Самарадорликни ўлчаш ва мониторинг қилиш методологияси*” (*Performance Measurement Methodology for Monitoring and Evaluation*) асосида баҳоланади⁵¹. Ушбу методология қуйидаги комплекс баҳолаш индикаторларини ўз ичига олади:

1. *Кўп идорали ва кўп ўлчовли оператив бошқарувнинг (Multi-agency and multi-dimensional operational management) узлуксизлигини баҳолаш.*

2. *Жамоат хавфсизлигини таъминлаш жараёнида одам савдоси қурбонлари, мигрантлар каби ҳимояга муҳтож қатламларнинг кадр-қиммати ва фундаментал ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича кўрилган чораларнинг инсонпарварлик даражасини ўлчаш.*

Шу билан бирга, Туркия тажрибаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ваколатларини кенгайтириш ва фавқулодда ҳолатлардаги ҳаракатларни баҳолашнинг нақадар мураккабликларини ҳам аниқ кўрсатади. Масалан, 2023 йилги зилзила каби йирик табиий офатлар ва фавқулодда ҳолатлар ҳудудларида фаолият юритаётган полиция ва жандармерия ходимларининг ваколатларини суиистеъмол қилиш эҳтимоли юқори бўлади. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ташкилотларнинг (*Human Rights Watch*) ҳисоботларида бундай вазиятларда юқори лавозимли офицерлар томонидан берилган буйруқлар устидан тўлиқ аудит (*full review of law enforcement*) ва хизмат текширувлари ўтказиш тизимининг муҳимлиги, шунингдек, қийноқ ёки ёмон муомалага йўл қўймаслик энг муҳим баҳолаш мезони эканлиги таъкидланади⁵².

[Ellis/publication/229486033_The_Handbook_of_Knowledge-Based_Policing_Current_Conceptions_and_Future_Directions/links/5b102690-aca2723d9978b747/The-Handbook-of-Knowledge-Based-Policing-Current-Conceptions-and-Future-Directions.pdf](https://ellis/publication/229486033_The_Handbook_of_Knowledge-Based_Policing_Current_Conceptions_and_Future_Directions/links/5b102690-aca2723d9978b747/The-Handbook-of-Knowledge-Based-Policing-Current-Conceptions-and-Future-Directions.pdf)

⁴⁹ Brogden, M. (1999). Community policing as cherry pie. In R. I. Mawby (ed.), *Policing Across the World: Issues for the Twenty-first Century* (pp. 167–86). London: UCL Press.

⁵⁰ Türkiye Country Security Report - OSAC // Türkiye Country Security Report // Overseas Security Advisory Council (OSAC). – URL: <https://www.osac.gov/Country/Turkey/Content-/Detail/Report/4ac42c15-5cca-4897-b471-1ce4004bf192> <https://www.osac.gov/Country/Turkey-/Content/Detail/Report/4ac42c15-5cca-4897-b471-1ce4004bf192>

⁵¹ TURKEY - Enlargement and Eastern Neighbourhood, https://enlargement.ec.europa.eu/document/download/d47a3167-d9fb-4513-9056-0f656770af37_en

⁵² Turkey: Police and Gendarmerie Abuses in Earthquake Zone // Human Rights Watch. – 2023. – URL: <https://www.hrw.org/news/2023/04/05/turkey-police-and-gendarmerie-abuses-earthquake-zone>

Қолаверса, Туркияда жамоат тартибини сақлаш мақсадида кўриладиган чоралар ва сўз эркинлиги ўртасидаги мувозанатни баҳолаш ҳам долзарбдир. 2024 йил октябр ойидаги TUSAS объектига қилинган ҳужум, 2015 йилдаги Анқара портлашлари ёки 2016 йилги Истанбул аэропортидаги терактлар каби инқирозли вазиятларда Туркия расмийлари ижтимоий тармоқларни (*X, Instagram, Facebook, YouTube*) чеклаш орқали жамоат тартибини сақлашга (*maintain public order*) уринадилар⁵³. Бу ҳолат жамоат хавфсизлиги органларининг фаолиятини баҳолашда фақатгина “тартибни ўрнатиш” кўрсаткичи эмас, балки рақамли макондаги чекловларнинг жамиятга таъсири ва инсон ҳуқуқларига (*fundamental rights*) риоя қилиш мезони нақадар нозик эканлигини кўрсатади. Фуқароларнинг доимий равишда шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни (*photo identification*) олиб юриши ва полиция томонидан уларнинг мунтазам текширилиши жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг кучайтирилган назоратини кўрсатса-да, бунинг самарадорлиги айнан фуқароларнинг розилиги индикаторлари орқали баҳоланиши шарт.

Ушбу қиёсий таҳлил шуни яққол кўрсатадики, дунёнинг ҳеч бир ривожланган давлатида жамоат хавфсизлиги тузилмаларининг фаолияти фақатгина “*тутилган жиноятчилар сони*” ёки “*расмийлаштирилган жарималар миқдори*” каби экстенсив усуллар билан ўлчанмайди. Баҳолашнинг замонавий илмий парадигмаси ижтимоий профилактика, муаммоларни марказлашмаган ҳолда ечиш, маълумотларга асосланган стратегик режалаштириш ва инсон ҳуқуқлари устуворлигига асосланади.

Юқорида келтирилган миллий муаммолар ва илғор хорижий давлатларнинг тажрибасини қиёсий-ҳуқуқий ва криминологик таҳлил қилиш натижасида Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлашдаги фаолиятини баҳолашнинг илмий-назарий ёндашувлари бўйича қуйидаги мантиқий хулосалар ва таклифлар шакллантирилди:

Биринчидан, репрессив ва статистик-экстенсив индикаторлардан ижтимоий-профилактик (KPI) индикаторларга тизимли ўтиш зарурати! Миллий қонунчилигимиздаги ва идоравий норматив ҳужжатлардаги асосий бўшлиқлардан бири – ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг ишини баҳолашда ханузгача “*аниқланган жиноятлар сони*”, “*тузилган маъмурий баённомалар ҳажми*” каби сон кўрсаткичларининг устуворлигидир. АҚШ (*Хьюстон NOP лойиҳаси, Oettmeier ва Wycoff тадқиқотлари*) ва Япониянинг Кобан тажрибаси кўрсатганидек, бундай баҳолаш ходимларни фақатгина оқибат билан курашишга ундайди ва сунъий равишда кўрсаткичларни (*report writing*) оширишга олиб келади. Қонунчиликда Миллий гвардия ходимларини баҳолаш мезонлари сифатида “*фуқароларнинг хавфсизлик ҳисси*” (*жамоатчилик йиллик сўровномалари орқали*), “*ҳудуддаги ижтимоий ва маиший муаммоларни мустақил ҳал этиш қобилияти*” ва “*профилактик тушуинтириш ишларининг натижадорлиги*” каби мезонлар ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланиши керак. Бунда Бразилиянинг GESPOL бошқарув тизими каби рақамлаштирилган сифат менежментини жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

Иккинчидан, статистик баҳолашнинг аниқ математик ва демографик моделларини жорий этиш! Германиянинг PKS (*Полиция криминал статистикаси*) тизими тажрибасидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси томонидан бевосита хизмат ўталадиган ҳудудларда (*хусусан, ПФ-27-сон Фармонда белгиланган*

⁵³ Human Rights Watch. Turkey: Police and Gendarmerie Abuses in Earthquake Zone – New York: HRW, 2023. // <https://www.hrw.org/news/2023/04/05/turkey-police-and-gendarmerie-abuses-earthquake-zone>

истироҳат бозлари, хиёбонлар, бозорлар ва оммавий тадбирлар ўтказиладиган жойларда) “Хавфлилик коэффиценти”ни (HZ) ва “Жабрланувчига айланиш хавфи коэффиценти”ни (OGZ) аниқлашнинг математик формулаларини амалиётга татбиқ этиш лозим. Бу орқали ҳар бир гвардия бўлинимасининг ёки патруль гуруҳининг иши фақатгина ўз ички раҳбариятининг субъектив ҳулосаси томонидан эмас, балки ҳуқуқбузарликлар динамикасининг реал демографик қисқариши орқали, Ягона ахборот тизими доирасида автоматик тарзда баҳоланади. Бу маълумотларга таянувчи стратегияни (*data-driven strategy*) тўлақонли шакллантиришга хизмат қилади.

Учинчидан, баҳолаш тизимининг мустақил институционал мониторингини кучайтириши! Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-27-сон Фармонида белгиланган жамоат хавфсизлиги тизимини баҳолаш мониторингини амалга оширувчи Департаментнинг ваколатларини янада кенгайтириш ва уни Туркиядаги ЕИ стандартлари (ІРА II) ва Япониянинг йиллик Оқ китоблари тажрибаларига мослаштириш зарур. Бунда, Миллий гвардиянинг чораклик ва йиллик мониторинг натижалари нафақат Вазирлар Маҳкамасига ёпиқ ҳисобот сифатида киритилиши, балки жамоатчилик учун очиқ тарзда эълон қилиниши, нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан муҳокама қилиниши ва ходимлар фаолиятининг кучли ҳамда заиф томонлари (*шу жумладан инсон ҳуқуқларининг таъминланиши*) кенг қамровли аудитдан ўтказилиши лозим.

Тўртинчидан, институционал изоморфизм хавф-хатарларини ва миллий хусусиятларни ҳисобга олиши! Хорижий давлатларнинг илғор бошқарув тажрибасини ўзлаштиришда миллий менталитет, ҳуқуқий онг даражаси ва мавжуд иқтисодий ресурсларни инобатга олиш шарт. Япониянинг Кобан тизими фақатгина полиция ва аҳоли ўртасидаги тарихий юқори ишонч (*legitimacy and trust*) ҳамда барқарор молиялаштириш туфайли муваффақиятли ишлайди. Ўзбекистонда мазкур ишончни шакллантириш учун Миллий гвардия хизматчиларининг касбий этикаси, муомала маданияти ва низоларни ноанъанавий усулларда (*қўпол куч ишлатмасдан, медиация орқали*) ҳал қилиш кўникмалари фаолиятни баҳолашнинг энг юқори поғонасига кўтарилиши талаб этилади. Акс ҳолда, М.Бродген (1999) таъкидлаганидек, тизим риторика ва амалиёт ўртасидаги катта тафовутга учраб, самарасиз ишлаши мумкин.

Ҳулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, бугунги кун воқелиги талаб қилаётгандек, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг фаолиятини баҳолаш тизимини такомиллаштириш шунчаки идоравий буйруқларни ўзгартириш билан эмас, балки аниқ илмий-назарий асосларга, математик ва криминологик моделларга ҳамда жамоатчиликнинг кенг иштирокига асосланган янги авлод ҳуқуқий нормаларини яратишни тақозо этади. Мазкур тадқиқотда келтирилган Германия, АҚШ, Япония ва Туркия каби давлатларнинг илғор бошқарув тажрибасини миллий қонунчилигимизга сингдириш (*имплементация ва рецепция*) орқали, жамоат хавфсизлиги органлари фаолиятини жазоловчи ёки назорат қилувчи соф милитаристик функциядан, чинакам ижтимоий-профилактик хизмат кўрсатувчи муассаса даражасига кўтариш мумкин бўлади. Бу, ўз навбатида, мамлакатда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида олиб борилаётган кенг кўламли ислохотларнинг амалий натижадорлигини таъминлаб, фуқароларнинг ҳаёти ва фаровонлигини кафолатлашга бевосита хизмат қилади.